

Тошкент вилояти Қибрай туман ҳокимлиги ҳамкорлигида туман тиббиёт бирлашмасида «Ҳоч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси доирасида нафақадаги ходимлар, тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган фаолларга байрам совғаларини топириш маросими ўтказилди.

**Хайрли акция**

Тадбирда истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқлар, Ватанимиз қудрати ва салохияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори ортаётгани таъкидланиб, халқимизнинг осуда ҳаёти ва эришилаётган ютуқлари овоз замон шарофати экани эътироф этилди.

Тумандаги кексалик гаши-ни сураётган 10 нафар устоз шифокор ва аҳоли саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган 5 нафар фаол ходимга Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг байрам совғалари тақдим этилди.

Раъно МАҲҚАМОВА, «Ishonch» мухбири

**НАМАНГАН**

Туманимиздаги 11-умумтаълим мактаби ўқувчилари янги ўқув йилини замонавий бинода бошлади. Ўқув йили — замонавий бинода

**Ўқув йили — замонавий бинода**

2013 йил инвестиция дастурига киритилган ушбу объектнинг умумий қиймати 1 млрд 450 млн. сўм бўлиб, «Стандарт» МЧЖ томонидан 420 ўринли 2 қаватли бино, спорт зали барпо этилди.

Бунёдкорлик ишларига таълим маскани ходимлари ҳам ўз хиссаларини қўшишди.

Мирзамаҳмуд ТУХТАБОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Ўйчи туман кенгаши раиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Ўйчи туман кенгаши раиси

**ЖИЗЗАХ**

«Жиззах пластекс» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини бошлади.

**Йирик корхона**

У вилоятдаги энг йирик энгил санат корхоналаридан бири бўлиб, йилга 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлайди ва 10 минг тонна қалава ип, 12 миллион 500 минг донга тайёр трикотаж маҳсулотларини хари-дорларга етказиб беради.

Корхонага Европа давлатларидан замонавий технология олиб келиб ўрнатилди. Биринчи босқичда 1050 та янги иш ўрни яратилган бўлса, иккинчи босқичда яна 700 иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда.

Ҳ.ФОЗИЛОВ, Жиззах шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари



Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 5-сентябр, payshanba № 108-109 (3302)

«Ehtiom» нишони совриндорларини тақдирлаш маросими

**Эътибор ва рағбат ифодаси**

Мана, бир неча кунки, истиқлол шодиёналари сурури билан яшаёмиз. Ҳар гўшада жўшқин руҳ, хуш кайфият устувор. Юртдошларимиз қалбда истиқлол шуқуҳи, Ватандан фахрлиниш, дахлдорлик ҳисси барқарор. Интилиш ва ташаббусларимиз, олдинга қўяётган қадамимизда буюк аждодларимизнинг руҳи мужассам.

Ҳа, истиқлолнинг тўхталари ашушундай кўнгилга қувват, руҳга кўтаринкилик бахш этади. Унинг тегири-сида ниятлар катталашиб, қалбларда ишонч янада баландроқ бош кўтарди. Кўнгиллар озодлик эпки-нларидан, мустақиллик бахш этган гурурдан қувватланади, буюкларга ворислик туйғулари қонда жўш уради.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Ehtiom» нишони совриндорларини тақдирлаш маросимида шундай жўшқинлик ва кўтаринки кайфият зоҳир бўлди.

Тантанали маросимга фидокорона меҳнати билан юрт равнақи ва истиқболга ҳисса қўшаётган, бу йўлда изланиш ва ташаббус кўрсатишдан толмаётган, ижтимоий шериклик асосида ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоялашда юқори натижаларга эришаётган турли соҳа вакиллари бўлган совриндорлар ва фаоллар тақдир этилди. Федерация Кенгаши томонидан бу фидойи инсонларга алоҳида эътибор кўрсатилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилаётгани, ислохотлар инсон омилига ҳизмат қилаётгани, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни буюк аждодларимизга муносиб этиб қамолга етказиш, таълим-тарбия беришга давлат сибсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Шунингдек, тизим фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-санат палатаси ўртасида Бош келишувинг имзоланиши муҳим ҳодиса бўлгани, шу асосда, худудий ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ташкил этилиб, унда меҳнаткашларга кенг имтиёзлар



яратиш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, шу билан бирга, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берил-лаётганини эътироф этди. Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, давлатимиз раҳбари томонидан ил-гари сурилган беш тамойилнинг бири — кучли ижтимоий ҳимоянинг самарали амалга оширилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган инсонларни тақдирлаш тизими-нинг жорий этилиши фаолият самардорлигини оширишда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилмоқда. Федерация Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 28 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг «Ehtiom» нишони тўғрисидаги Низом»га қўра, ушбу мукофот билан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш жараёнида, кенг қўламдаги ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган ҳамда меҳнат-кашларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-

иқтисодий манфаатларини ҳимоялашга салмоқли ҳисса қўшаётган фаоллар тақдирланади. 2013 йилда совриндорлар сони ортди. Шунинг билан таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йилдаги совриндорларнинг юрт ободлигига ҳисса қўшиш, халқ фаровонлигини юксалтириш борасидаги кенг қўламдаги ислохотларни амалга оширишда фаол иштироки, касба уюшмалари билан ҳамкорлиги, ижтимоий йўналишдаги хайрли фаолиятга ҳам эътибор қаратилди. Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, кенг қўламдаги ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келаётган 31 нафар фаоллар ва ҳамкорларга «Ehtiom» нишони топирилди. Ушбу тақдирлаш маросимидан асосий мақсад ҳам, аслида, республикамизда давлатимиз томонидан инсон манфаатларини ҳимоялаш, уларни меҳнатига яраша муносиб рағбатлантириш борасида амалга

оширилаётган ишларга касба уюшмаларининг ҳиссасини қўшишидир. Совриндорлар номидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботиржан Алимухамедов, «Аммофос-Максим» очик акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси раиси Николай Авдеевко, Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси касба уюшма кўмитаси раиси Примкул Дўстматов ва бошқалар сўзга чиқиб, ижтимоий шериклик асосидаги фаолиятни янада такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнггида мукофотланганлардан айримларини сўхбатга тордик. **Лизахон Байбосинова, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси:** — Истиқлол шодиёналари давом этаётган, элга яхшилик ва саховат улашилаётган бир пайтда «Ehtiom»

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

**Чўл лочини**

Истиқлолнинг 22 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонида кўра Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан ҳизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узок йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун юртдошларимиздан уч нафари «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ҳамда олий нишон — «Олтин юлдуз» медали билан тақдирланди. Ана шундай олий мукофот соҳиби бўлганлар орасида Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги «Анвар» фермер хўжалиги бошлиги Анорбой Эшматов ҳам бор.



Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг қўлоқ ёзган кезлари йигирма гектар ер майдонида иш бошлаган А.Эшматов мустақилликнинг иқтисодий асосини яратишга баракали ҳисса қўшди. Ҳалол ва самарали меҳнатлари ҳуқуқимиз томонидан эътироф этилди. Президентимиз Фармони билан 1999 йили «Шухрат» медали, 2004 йили «Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони, 2009 йили «Эл-юрт хурмати» ордени кўксини беэзади. Ҳамюртлари унга юксак ишонч билдиришиб, халқ депутатлари туман, вилоят Кенгашларига депутат қилиб сайлашди. (Давоми 2-саҳифада).

«Касба-тур»

Юртимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинмоқда. Ҳар бир маҳалла, қишлоғу овулда оммавий спорт мусобақалари ташкил этилаётган. Боиси, фақат соғлом миллатгина буюк мақсадлар сари интилиб йшайди. Мана, бир неча йилдан бери Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши велоспортнинг халқимиз орасида оммавийлигини ошириш борасида қўллаб-қўллашнинг амалга оширмоқда. Турли вело-тур ва веломарафонларнинг ташкил этилаётгани — фикримиз исботи.



**Касба уюшмаси: Обод ҳаёт, обод турмуш сари**

Юртимизда профессионал велоспортнинг ривожини йўлида ҳам салмоқли қадамлар ташланмоқда. Спортчиларимиз бу эътибор ва гамхўрликка яраша жаҳон майдонларида катта ютуқларни қўлга киритишяпти. Муроджон Холмуродов, Владимир Тўйчиев, Сергей Лагутин каби унлаб велоспортчиларимизни дунё танимоқда, тан олмақда. Шунингдек, юртимизнинг қўллаб-қўллаш ҳудудларида велосипедни ижарага бериш тизими яратилдики, бу ҳам аҳолимизнинг велоспорт билан оммавий равишда шугулланиши учун кенг имкон яратяпти. Қўчаларда, боғу хивобларда велосипедда сайр қилиб юрган ёш қарини кўриб, қувонасан, киши. Касба уюшмалари тизимида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор

қаратишмоқда. Зеро, соғлом одамнинг ўз оиласига, жамиятга кўп наф келтириши — бор гап. **Веломарафон** Қуни кеча ЎзКУФК шафёлигида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, шунингдек, пойтахтимизда ҳаваскор спортчилар ўртасида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белги-ланган тадбирлар ижросини таъминлаш, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатликлари-ни тиклашга кўмаклашиш, оммавий тарзда велоспорт билан шугулланишлари учун шароит яратиш ва буни қўлла-лик турмуш тарзига айлантириш орқали юртимиз аҳолисининг ижтимоий фаолли-

гини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Касба-тур» веломара-фони ўтказилди. Мазкур мусобақада республикамиз бўйича беш мингга яқин юртдошимизнинг иштирок этганининг қанчалик оммавийлашиб бораётганини кўрсатади. Тошкент шаҳар касба уюшма ташки-лотлари бирлашмаси кенгаши «Касба-тур»нинг пойтахт миқёсида ташкил этил-ган босқичи ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди. «Пахтакор» марказий стадиони атрофи-даги йўлқаларда уюштирилган мусобақада пойтахтимизнинг турли корхона ва ташки-лотлари, муассасаларида фаолият кўрсат-таётган ходимлар голиблик учун кураш олиб бордилар. (Давоми 5-саҳифада).

(Лавҳа)



сий қисми касабга уюшмалари тизимида кечди.

Бундан кейин ҳам бор билим ва тажрибамни одамларга наф келтиришдек эзгу ишларга сарфлайман.

Холида Очилова, «Чинобод санаторий-ОАЖнинг олий тоифали шифокор-эндоскописти:

— Ҳаётда кўплаб мукофотларга эришганман. Инсон саломатлиги йўлидаги камтарона меҳнатимни муносиб тақдирларни учун касабга уюшмаларидан миннатдорман. Эътибор ва эътироф менга руҳий қувват бериб, бундан ҳам самаралироқ ишлашга ундайверади. Уйлайманки, бундай эъзоздан нафақат мен, балки бутун жамоамиз руҳланади.

Мукофотнинг айнан истиклол байра-

омон бўлсин. Федерация Кенгашининг нуфузи ошиб, хайрли ишлари янада кўпаяверсин.

Алишер Йўлдошев, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши раиси:

— Тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, юртимизда ҳуррият эпкини эса бошлагандан кейин барча жабҳалар қатори касабга уюшмалари тизимида ҳам жадал суръатларда амалга оширилаётган залворли ҳамда савобли ишларга ғувоҳ бўлаемиз.

Сўнги йилларда касабга уюшма тизими тубдан ўзгарди. Мамлакатда жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Кадрлар салоҳиятини ошириш, тармоқларни кунайтириш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ишлар, меҳнат муҳофазасига катта аҳамият берилаяпти. Бу борада қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда муваффақиятли иш олиб борилмоқда. Федерация тизимида иш ўринларини яратиш борасидаги сайё-ҳаракатлари ҳам эътиборга молик. Бинобарин, маблагдан унумли фойдаланган ҳолда аъзоларга ҳар томонлама кўмак бериш касабга уюшмаларининг асосий вазифаларидандир.

Илгари мактабларимиздаги ўқитувчилар хонасида касабқўм бурчаги бўлар эди. Ҳозир касабга уюшмаси учун алоҳида хона ажратилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ўқитувчилар учун дам олиш хонаси ташкил этилди. Бу педагогларимизни янги меҳнат зафарларига қорлаб, барқамол авлодни вояга етказишдек хайрли ишларига қанот бўлаётди.

Яна шуни мамнуният билан айтаманки, тадбир доирасида ташкил этилган тадбирлар ҳам бизга кўтаринки кайфият бағишлади. Айниқса, пойтахтимиз бўйлаб ташкил этилган саёҳат юртимиз қудратини янада тейанроқ ҳис қилишимизга кўмак берди. Тўғриси, Тошкентга хизмат сафари билан тез келаман. Аммо вақт топиб уни сайр қилолмаганман. Ватанимиз юраги бўлмиш Тошкент истиклол туфайли янги қиёфа касб этибди. Мустиқиллик йилларида барпо этилган бир-биридан гўзал хиёбонлар, равион йўллар, мухташам иморатлар унга ўзгача чирой бахш этмоқда.

Инсон меҳнатга яраша рағбат кўрса, ишидаги унум янада ортади. Илло, масъулилик ва интилиш бор жойда ижобий маънода ўзгаришлар қамрови кенгайиб бораверади.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

# Чўл лочини

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Ер билан тиллашиб кам бўлмаётган жамоада экин май-дони йил сайн кенгайиши ба-рорбаридо ҳосилдорлик ҳам юқорилаб борди. Жорий йилда 68 гектар галла майдонидан 450 тонна сара дон етиштирилди. Шундан 254 тоннаси давлатга шартнома асосида сотилиб, қолгани ходимларга, савоб учун қишлоқдаги кам таъминланган, иқтимоий ҳимоятлаб олинларга улашилди. Ҳисоб-китобларга кўра, галладан 100 миллион сўм соф даромад олинди. «Қозон ҳам мой, чўми ҳам мой» деганлари аслида шу бўлса керак...

— Ерга оқилона муносабатда бўлиш, қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштиришга замонавий усулларни жорий қилиш, фермер ҳўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муваффақиятларнинг муҳим омил саналади, — дейди А.Эшматов. — Бугун қишлоқда янги ҳўжалик юртиш муносабатлари фаровонлик манбаи бўлиб қолмоқда. Ҳўжалигимизда богдорчилик билан бирга қорвачилик ҳам ривожлантириб боряпмиз.

Кўп тармоқли мазкур фермер ҳўжалиги аъзолари жорий йилда 66,3 гектар майдонга «Пахтакор» элита навли уруғ қадаб, ҳосилдорликни гектарига 40 центнерга етказишни мўлжаллаб туришибди. Ниятга яраша ҳосил чўғи тўпланиб, оғлок шохи рўмолга бурканганча ўзини кўз-кўз

қилиб турган далаларга боқиб дилингиз қувнади.

— Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов бошлиқ «Анвар» фермер ҳўжалигида йнгирма нафар касабга уюшма аъзолари меҳнат қилади, — дейди Пахтакор туман агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма кенгаши раиси Саодат Юсупова. — Раҳбар томонидан уларнинг ҳар бирига гамхўрлик кўрсатиш, меҳнат, дам олиш, оилавий аҳволидан боғабар бўлиб бориш барча муваффақиятларнинг қалити бўлаяпти, десам адашмайман. Замонавий қилиб қурилган дала шийони меҳнатқашларнинг севилиб маскани. Туман миқёсида бўладиган тадбирларнинг аксарияти ана шу шиномасканада ўтади. «Самарқанд» худудий бирлашган касабга уюшма кўмитасида энг намунали саналган мазкур лочинларнинг ташкилотда жамоа шартномаси асосида ходимларнинг ҳўқуқ ва манфаатлари етарлича ҳимояланмоқда.

...Жонажон юртимизда яна бир мунаввар кўлугу тонг отди. Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Анорбой сингари миллионлаб алпқомат лочинларимиз бор экан, халқимиз ана шундай мусаффо тонги тинч ва фаровонликда, бахту саодат қуршовида кутиб олаверади.

Қаҳрамонлик муборак, Чўл лочини!

Абдуманноп АЗИМОВ

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Камина етакчи бўлиб ишлаётган касабга уюшма кўмитасида салкам 700 нафар аъзо билан. Мустиқиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан коллежни битириб сафимизга қўшилган 22 ёшли ходимга, шу куни оила қурганига 22 йил тўлган битта ишчимизга, тизимда 22 йил бениқсон ишлаган ёшлар мураббийсига қимматбаҳо совға топширдик. Ушбу йилда салкам 150 нафардан ортиқ ходим касабга уюшмаси мададидан баҳраманд бўлди. 14 нафар ходим ва ишчиларимизнинг 25 нафар фарзанди саломатлиги тикланиб, дам олдирилди. Кам таъминланган ходимларнинг 14 нафар фарзандининг суннат тўйлари ўтказиб берилди, 7 кишига пул мукофоти топширилди. Яқинда Сурхондарёда ўтган мусобақага 14 нафар қаратчи болани олиб бордик. Улардан 7 нафари халқаро мусобақада олтин, 5 нафари қумуш медалга сазовор бўлди.

«Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё» деб бежиз айтилмаган экан. Мен элимга хизмат қилиб, ҳикмат ва ҳурмат топдим.

Зайниддин Муродов, Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти касабга уюшма кўмитаси раиси:

— «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шiori остида амалга ошираётган камтарона хизматларимиз инобатга олин-иб, бугун менга «Ehtigom» нишони берилганидан чексиз миннатдорман.

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий барқарорликка эришилди, инфратузилма тубдан ислоҳ қилинди, иқтимоий муаммолар бартараф этилди; хавфсизликни таъминлаш, буюк истиқбол пойдеворини қуриш учун ҳар томонлама етук, билимдон ва замонавий кадрлар тайёрлаш каби кўплаб самарали ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Республика касабга уюшмалари ҳаётида ҳам кўпгина ижобий ўзгаришлар рўй берди. Таъкидламоқ жоизки,

# Эътибор ва рағбат ифродаси



касабга уюшма ташкилотлари барча бўғинларининг фаолияти янги поғонага кўтарилди. Меҳнатқашларнинг иқтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Бош келишувнинг қабул қилиниши, бошланғич касабга уюшма ташкилотларига кўрсатилаётган эътибор, жойлардаги касабга уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Федерация Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва амалда қабул қилинган бир қанча мезърий ҳужжатлар ҳамда Раёсат қарорлари бизни ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашга даъват этмоқда.

Бир нарсани таъкидламоқчи эдим: мен илмий фаолият олиб бориш билан бир-галликда ҳаётимнинг девяри 40 йилни жамоат ишларига сарфладим, шунинг асо-

ми шодиёналари давом этаётган кунларда берилишида ҳам катта рамзий маъно кўраман. Авваллари санаторий-мизга битта ускуна олиш учун ҳам қанча сарсон-саргардон бўлардик. Шу арзимас нарса учун ҳам Москванинг русхатини олиш керак эди. Узим бу азобни бошимдан ўтказганман. Замонавий ускуна олиш учун қанча елиб-юргунганим ёдимда. Аммо унга етолмаганман. Мустиқиллик нафақат қалбимизга ёруғлик солди. Фаолиятимизга, эзгу ишларимизга қанот бўлди. Бугун санаторийимиз замонавий асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган. Биз, шифокорлар эса элга хизмат қилишдан чарчамаяпмиз. Истиклолимиз боқий, эзгу ишлар ташаббускори Президентимиз ҳамиша

## ■ Акс садо

Куни кеча ҳамкасбимиз — Аминжон Махсудов Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ehtigom» нишони билан тақдирланганини эшитдик. Бундан бениҳоя қувондик. Вилоятимизда, қолаверса, касабга уюшмалари тизимида ана шундай эҳтиромга лойиқ инсонлар борлигидан фахр-ифтихор қўлимга қалам тутқазди...

# Етакчилардан бири

«Ehtigom» нишони соҳиби — Жомбой дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Аминжон Махсудов фаолиятига бир назар

Табиатан ҳаётни кузатишни, инсонларга эътибор беришни, уларни тинглашни яхши кўраман. Менга сабоқ берган устозларимнинг айтишларича, инсонларни меҳнатига, гўзал амалларига қараб қадрлаш, ҳурмат қилиш зарурдир.

Аминжон Махсудовнинг асли мутахассислиги иқтисодчи. Меҳнат фаолиятини «Жомбой дон маҳсулотлари» корхонасида ҳисобчиликдан бошлаган. 1999 йилда ундаги ишга бўлган иштиёқ, инсонларга бўлган меҳр, оқибатни сезиб корхона касабга уюшмаси етакчилигига бир овоздан сайлашди. Биринчи навбатда ёшлар, хотин-қизлар, ногиронларнинг иқтимоий ҳимоясига эътибор қаратилди. Ташкилий, оммавий, маданий-маърифий ва спорт ишлари, меҳнатқашларнинг иқтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, корхонада меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилиниши ишлаб чиқаришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. «Яхши ишлаган инсон муносиб дам олиши ҳам керак» деган шior қоидага айланди. Бу нималарда аён бўлмоқда: биринчидан, Аминжон ака йилма-йил қабул қилинаётган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Иккинчидан, ана шу дастурлар ижросини таъминлаш учун, корхонада байрам тадбирлари бўладими, спорт мусобақаларими, барчасида ишчи-ҳодимларни иштирок этишга қизиқтира олади. Айниқса, хотин-қизларга, ёшларга эътиборли. Маъмуриятни ҳам шунга ундайди. Корхонада узоқ йиллар ишлаб нафақатга чиқиб кетган ишчи-ҳодимлар ҳолидан хабар олишни Аминжон ака ҳеч қачон унутмайди. Ишлаб турган ҳамкасблари татил даврида сыхатгоҳларга юборилишида ҳам у бош-қош. Мухими, болалар қувончи ишчилар меҳнати унумдорлигини оширишни у яхши билади. Бундан ташқари, ишчи-ҳодимларни республикамизнинг турли вилоятларига, машҳур тарихий обидаларига тез-тез саёҳатларини уюштириб келади.

Корхонада «Маънавий соати»нинг узлуксиз ўтказилиши ҳамisha Аминжон ака назоратида.

— Корхонамизда 2011-2013 йиллар учун жамоа шартномаси қабул қилиниб, унинг бажарилишини иқтимоий шериклик асосида ташкил қилганимиз, — дейди Аминжон ака. — Жамоа шартномасига асосан зарарли ва оғир меҳнат шартноларидо ишловчилар учун 12 фоизгача иш ҳақидан ташқари қўшимча ҳақ тўланмоқда. Ишчилар фаолиги муносиб баҳоланиб, йил якуни бўйича қўшимча иш ҳақи ҳам берилади. Галла йиғим-терими мавсумида қатнашадиган ҳамда тунги сменаларда ишловчи ишчи-хизматчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланади. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан 10 та кам таъминланган ёш оилаларга қурилаётган намунали уйлاردан сотиб олишлари учун корхона ҳисобидан узоқ муддатли фойсиз ссудалар ажратилди.

Зейносо ҲАКИМОВА, Самарқанд вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

## ■ Мукофот муборак!

# «Ehtigom» нишони совриндорлари

Анвар АЛИМОВ — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

Ботиржон АЛИМУХАМЕДОВ — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофазга қилиш вазирининг биринчи ўринбосари

Шоолим ШОВАҲОБОВ — Ўзбекистон Автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари

Хотам САЙДАҲМЕДОВ — «Максам-Чирчик» очик акциядорлик жамиятининг Бошқарув раиси

Шахзода АШУРОВА — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Кетринг» ДУК касабга уюшмаси кўмитаси раиси

Абзалхон СУЛТОНСАИДОВ — Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий қисм касабга уюшма кўмитаси раиси

Самия МАХМУДОВА — «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси касабга уюшма кўмитаси раиси

Рустам АҚБАРҲУЖАЕВ — «Хоразм шакар» ОАЖ қўшма корхонаси Бош директори ўринбосари — корхона филиали директори

Лизахон БАЙБОСИНОВА — Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси

Махмуда МУРЗАЕВА — Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси

Зайниддин МУРОТОВ — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти касабга уюшма кўмитаси раиси

Самат ШУКУРОВ — Қарши вагон депоси касабга уюшма кўмитаси раиси

Азамат ХУДАЯРОВ — «Бекободцемент» очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси

Абдулжон ПАРДАМУРОТОВ — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ходимлари касабга уюшмаси кенгаши 6-бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси

Абдирашид ХАЙДАРОВ — «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ Бош директори кадрлар ва умумий масалалар бўйича ўринбосари

Холида ОЧИЛОВА — «Чинобод сана-

торийси» ОАЖнинг олий тоифали шифокор-эндоскописти

Муратбай ДАНИЯРОВ — Қорақалпоғистон Республикаси касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатқашларнинг иқтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

Қодиржон РИЗАЕВ — Андижон вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Бахрон АБДУЛЛОЕВ — Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси касабга уюшма кўмитаси раиси

Мухаммадқосим ОЛИМОВ — Ромитан тумани ҳокими

Матлуба ҲАКИМОВА — Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Зафаробод туман кенгаши раиси

Акрам ХАМРОЕВ — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясига қарашли «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонаси касабга уюшма кўмитаси раиси

Алишер ЙЎЛДОШЕВ — Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши раиси

Рустам АБДУЛЛАЕВ — Намаган шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг давлат солиқ бош инспектори, инспекция касабга уюшма кўмитаси раиси

Аминжон МАХСУДОВ — «Жомбой Дон» очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси

Примкул ДЎСТМАМатов — Сирдарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси касабга уюшма кўмитаси раиси

Шарофат РАҲМОНОВА — Шеробод туман тиббиёт бирлашмаси касабга уюшма кўмитаси раиси

Николай АВДЕЕНКО — «Аммофос-Максам» очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси

Икромжон КОМИЛОВ — Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Қува туман кенгаши раиси

Санобар ЮСУПОВА — «Урганч-ёғ» очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси

Нажимитдин КАМОЛОВ — «Paxtasanoat ilmiy markazi» очик акциядорлик жамияти автоташлаштириш лабораторияси мудири.

# «Касабга сайр» Андижонда



Фаолиятни янада кенгайтириш мақсадида корхона ходимлари жойларда касабга уюшма раислари ва фаоллари билан учрашувлар ўтказмоқда. Жумладан, Андижон вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган ўқув-семинарда корхона фаолияти ва унинг келгуси режалари ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди.

— Мақсадимиз ички ва ташқи, тиббий туризмни ривожлантириш бўлиб, Андижон вилоятининг хушманзара қадамжоларини ҳам шу йўналишларга қиратишни ният қилганимиз, — дейди корхона раҳбари Т. Хидиров. — Бир кунлик, тўрт кунлик қисқа турларимиз юртимиз бўйлаб ўтказилади. Шунингдек, ташқи туризм йўналиши бўйича Туркия, Озарбайжон, Украина, Белорусия ҳамда Россия мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга киришдик. Уз навбатида, чет эл туристик корхоналари ҳам Ўзбекистондаги сайёҳлик корхоналари хизматига қизиқиш билдирмоқда.

А.ЮНУСОВ

# Инсон азииз

Жорий йил давомида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига халқаро ҳамкор ташкилотлар томонидан дори-дармон, тиббиёт анжомлари, мултивитамин, нигронлик аравачалари, витаминлаштирилган сабзавот аралашмаси кўринишидаги мурувват ёрдамлари ва бошқа шунга ўхшаш воситалар келтирилди. Ушбу мурувват ёрдамлари жамғарманинг минтақавий филиаллари, худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари орқали мамлакатимиздаги тиббий ва махсус болалар муассасалари, шунингдек, кам таъминланган ва иқтимоий муҳофазатга муҳтож аҳоли қатламларига топширилди.

Мустиқиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқилган алоҳида чора-тадбирлар дастури асосида ҳозирда жамғарманинг барча минтақавий филиаллари орқали жойларда маданий-маърифий, спорт ва хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 12 нафар ногирон учун хайрия тадбири ташкил этилди. Тадбир доирасида АҚШнинг «Амери Керс» халқаро ташкилоти томонидан юборилган ногиронлар учун махсус ногиронлик аравачалари, озиқ-овқат маҳсулотлари эгаларига етказилди.

Жамғарма «Амери Керс» ташкилоти билан 15 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Биргина жорий йилнинг 6 ойида халқаро ташкилотлар томонидан 18 та мурувват юклари қабул қилинган бўлса, шундан 11 таси ушбу ташкилот ҳиссасига тўғри келмоқда. Жумладан, ташкилот томонидан жорий йилда умумий қиймати 23 747,3 АҚШ долларига тенг 550 та ногиронлар аравачаси келтирилган бўлиб, республикамиздаги бир қатор тиббий, иқтимоий муассасалар ҳамда кам таъминланган, имконияти чекланган аҳолига топширилаётди.

Н.МАҲАМОВ



Термиз жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бири. У Балх, Нисо, Троя, Мавер, Уркук, Вавилон каби кўнадири. Эътиборли томони, юқориди шаҳарлар ўрнида харобалар сақланиб қолган. Термиз эса бир неча бор гуллаб-яшнади. Шаҳар Буюк Ипак йўли чорраҳасида, Амударё бўйидаги қулай жойда жойлашганлиги тўғрисида ҳар сафар олов ичида қайта тўғилган ҳумо қуши янглиг янгидан қад тиклайверди. Шу боисдан ҳам тарих саҳифаларида Термиз шаҳри шавнига ҳамиша шобён сўзлар битиб келинган. «Авесто» китобида бу шаҳар «Тармита» деб тилга олинади. Тармита эса «туғи баланд эрлар юрти» деган маънони англатади.

Термиз — мамлакатимиз жанубий дарвозаси. Истиқлолнинг илк йилларида Президентимиз сай-ҳаракати билан Термизни, қолаверса, бутун Сурхон воҳасини обод қилиш борасида дастлабки қадам ташланди. Даставвал, Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнир ташкил этилди. Шундан буён ҳар икки йилда ушбу халқаро тадбир кўтаринки руҳда ўтказиб келинмоқда. Сўнгра ЮНЕСКО қарори билан Термизнинг 2500 йиллиги кенг нишонланди. Тўй баҳонасида соатига 500 кишига хизмат қиладиган темир йўл вокзали, Бизнес маркази, минг ўринли амфитеатр қурилиб фойдаланишга топширилди. Термиз Археология музейи барпо этилди. Кенг миқёсда ободончилик ишлари амалга оширилди.

Лойиҳа қиймати 450 млн. АҚШ долларига тенг, узунлиги 210 км.дан зиёд «Тошғузур — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг қуриб, фойдаланишга топширилгани оламшумул воқеа бўлди.

— Юртбошимиз ҳар гал Сурхондарёга келганида воҳани янада обод этиш борасида янги таклиф ва гоҳларни илгари суради. Жумладан, Термиз Давлат университетининг янги бетақдор, муҳташам асосий ва ўқув биноларининг барпо этилиши, «Баркамол авлод — 2011» мусобақалари арасида 10 минг ўринли «Сурхон» спорт мажмуаси, «Делфин» сузиш ҳавзаси, «Бахт уйи», академик лицейлар, ўнлаб касб-ҳунар коллежларининг янги бинолари қурилгани эътиборга молик. Дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ново Фарм» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси, «Грант шифер», «Карвонгард Термиз» МЧЖлар, «Интер Силк Про» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси каби йирик корхоналарнинг фаолият юрита бошлагани Термиз шаҳрининг ҳар жиҳатдан тараққий этишининг асосий омил бўлди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов.

Бугун вилоятнинг қаерига борманг, улкан ўзгаришларга дуч келасиз, ким билан учрашманг, келажак бўлган ишончини ҳис этасиз. Хуллас, Сурхон замини кун сайин қирой очиб, мамлакатимиз жанубидаги чинакам жаҳоирга айланиб бормоқда.

### Кувонч ва ташвишга шерик

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамияти сари дадил қадамлар ташланаётган.

Бунда меҳнат аҳлининг энг халқчил ташкилоти касаба уюшмалари кенг қўламли фаолият юритмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари бевосита меҳнат кишисига яқин бориб, унинг кувонч ва ташвишига шерик бўлаётган.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-сановат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун тузилган Бош келишувга биноан вилоятда минтақавий келишув имзоланган. Шу асосда 2294 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан маъмурият билан тузилган жамоа шартномаларида ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилган ҳолда меҳнат кишининг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш борасида ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бинобарин, ҳар қандай шартнома ва келишув ижроси билан кучли. Шу ўринда айтиш мумкинки, вилоятдаги 400 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзоси сафи янгидан тузилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига кун сайин ошиб бормоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида бандлик, ҳамкорлик, «Соғлом она ва бола», «Обод турмуш йили» каби ўнга яқин дастурий вазифаларнинг изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани боис меҳнат

аҳлининг касаба уюшмаларига ишонч ва эътибори ошмоқда. Шу ўринда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Х.Қўзимуродов, «Шўрчи дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти, «Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси насос станциялари» бошқармаси, «Сурхонтекстил», «Сурхонозиковак-сановати», «Хўжайон туз» ҳиссадорлик жамиятлари касаба уюшмалари етакчиларининг олиб бораётган ишларини тилга олиш жоиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида жадаллаштирилган ислохотлар ҳам ўз самарасини кўрсатаётган. Вилоятда пилла, галла етиштириш давлат шартномавий режалари бажарилди. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилаётгани қишлоқ меҳнатқашларининг яна бир шижоатидан дарак. Тизимда амалга оширилаётган жамоа шартномалари 200 минг нафардан зиёд ишловчи-

шиори остида меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, аъзоларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмак бериш, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кам таъминланган оилалар, Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи, Сароисиёдаги «Фарҳод» меҳр-иурувват уйи тарбияланувчиларига ҳар йили 250 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдамлар кўрсатиш асосий йўналишларидан бўлиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи иштирокида кичик ва ўрта бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2013-2015 йилларга мўлжалланган 1004 та лойиҳа устида иш олиб борилди. Уларни ишга тушириш билан қўшимча 24241 та янги иш ўрни барпо этиш вазифаси белгилаб олинган. Коллеж битирувчиларининг корхоналарда амалиёт ўташи ҳамда у ерда доимий ишлаб қолиши учун энг кам иш ҳақининг 20

Жорий йил ёзи мавсумида шаҳардан ташқаридаги 9 та оромгоҳда 5200 нафар, 122 та ихтисослаштирилган мактаб ва коллежлар қошида ташкил этилган оромгоҳларда эса 16845 нафар болажон соғломлаштирилди. Ҳар бир аъзони ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан республика ва вилоят миқёсидаги сихатгоҳларда соғломлаштириш йўлга қўйилган. Туризмни ривожлантириш дастури доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд оила вакилларининг Тошкент, Бухоро, Хива, Самарқанд ҳамда Термиз шаҳарларига саёҳатлари уюштирилмоқда. Аънавий тарзда меҳнатқашлар ўртасида спорт тадбирлари ўтказиб келинапти. «Термиз-Делфин» сузиш-соғломлаштириш ҳавзаси томонидан ёзи мавсумида касаба уюшма аъзоларига 10000 та абонент тарқатилиб, уларнинг сузиш машғулотлари кўнгилдагидек ташкил этилди.

### Ғолиблик нашидаси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Нуриддин Ёқубов билан суҳбатлашганимизда, «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танлово вилоят босқичи ғолибларидан бири, Қумқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактаби касаба уюшмаси фаолияти ҳақида тўққиланиб гапириб берди.

— Танловдан кўзда тутилган мақсад касаба уюшма қўмиталарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат кишиси манфаатлари йўлидаги фаолиятини янада кенгайтириш, илғорлар тажрибасини омдалаштиришдир. Танлов шартларига кўра, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари нуфузли комиссия томонидан ўрганилиб, чуқур таҳлил этилди. Натига-

Жорий йилда жамоа шартномасига асосан, ҳар бир байрам муносабати билан илғор педагогларимиз қаторида хозирда қариллик гаштини сураётган устозларга ҳам иш берувчи ва касаба уюшмаларининг моддий ёрдамлари, фахрий ёрлик, қимматбахо совғалар бериб келинмоқда. Ходимларга яқин қариндоши вафот этганда энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараваригача моддий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилган. Касаба уюшма қўмитаси кўмагида қўллаб-қўватчиларнинг иш ва оилавий шароити яхшиланди. 4 нафар ходим «Чинобод», «Бўстон» сихатгоҳларида саломатлигини тиклади. Яна тўрт нафар ўқитувчининг фарзандлари тоғлар бағридаги оромгоҳларда дам олди. Ёзи таътил вақтида бир гуруҳ ўқитувчилар Сурхондарёнинг Омонхона, Сангардақ каби диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишди.

— Касаба уюшма сафида 108 нафар аъзо бор. Ўқувчиларимиз вилоят, республика фан олимпиадалари, билимлар беллашувларида ҳар йили ғолиб бўлишмоқда. Шу боисдан ҳам уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртига қабул қилинапти. Бу йил ҳам «Хўқўқ билимдонлари» танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлишди, — дейди Қумқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Ойгул Азизова. — Жамоа шартномасига асосан, энг аввало, иш жойимизнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга эришдик. Лаборатория ва устаконаларимизда меҳнат хавфсизлиги, иш жойларини шаҳодатлаш, ҳар бир ходимни меҳнат муҳофазаси қондаларига ўқитиш ишларини амалга оширдик. Кўп ва 3 ёшга қаратилган тарбиялаётган аёллар, ёш оилалар, ногирон ходимларимизни қўллаб-қувватлаялмиш. Ёзи ишларимиз самараси ўлароқ, ЎзҚУФК қарорига асосан, «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлиб, республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритдик.

### Саховат соҳиблари

Дунёни гўзаллик қутқаради, деган гап бор. Унинг ёнига меҳр-оқибат, аҳилликни ҳам қўшимиз келади. Башарти, «Шўрчи дон маҳсулотлари» АЖ касаба уюшма қўмитасида бўлиб, касабақўм Шоира Назарова билан суҳбатлашсангиз, шундай фикрга борасиз.

Бу ерда Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига катта тайёргарлик кўрилади. Корхона жойлашган ҳудуд, унга олиб келадиган йўлнинг икки четидидаги дарахлар оқланди. Ариқ-зовурлар тозаланди.

Вилоятнинг қай бир бозор ёки дўкони борманг, расталарни тўлдириб турган ун ва ун маҳсулотларининг хилма-хиллигига кўзингиз тушади. «Шўрчи дон маҳсулотлари» савдо белгиси остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда истеъмолчи талаби ҳисобга олинган. Бунда, аввало, жамиятнинг 2011 йилда хориз технологияси асосида модернизация қилинганлиги қўл келди. Корхона Қумқўрғон, Шўрчи, Денов, Олтинсой, Узун туманларидан 97 минг тонна донни қабул қилиб, қайта ишлаб беради.

1011 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган жамоада ҳар бир ходим кучли ижтимоий ҳимояга олинган. Бу ҳақда касабақўм раиси Шоира Назарова қуйидагиларни гапириб берди:


— Ишловчиларнинг яшаш тарзи, оилавий шароити билан яқиндан хабардор бўлишга ҳаракат қилаялмиш. Бундан ташқари, кам таъминланган, эҳтиёжманд хизматчилар, фахрийларимиз доимо эътиборда. Улар учун маъмурият ва касаба уюшма маблағи ҳисобидан моддий ва маънавий ёрдам ажратилмоқда. Турли маданий тадбирлар ташкил этиляпти. 150 нафар бола «Чашма-Тошпўлатбой» оромгоҳида дам олдирилди. 27 нафар ишчи «Бўстон», «Турон», «Оқтош», «Чинобод», «Ботаника» сихатгоҳларида соғлигини тиклади. 2012-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида ходимлар учун жуда кўп имтиёз акс этган бўлиб, ижросини вақтида таъминлаб келаялмиш.

Дарвоқе, корхонада ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тиббий пункт фаолият юритапти. Ишчиларга бир маҳал бепул иссиқ овқат берилиши йўлга қўйилган. Йилига бир марта бепул тиббий қўриқдан ўтказилади. Янгидан ташкил қилинган соғломлаштириш маркази ишчилар хизматига.

Саҳифани «Ishonch» мухбири Рустам ДАВЛАТОВ тайёрлади

## Жанубдаги жавоҳир

### Сурхондарё вилояти



нинг манфаатига бевосита дахлдор. Иил бошида вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган жадвал асосида Термиз шаҳри ва барча туманларда ҳокимликлар билан биргаликда корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари иштирокида «Худудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик тўғрисида», «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатлари ҳам меҳнатқашлар манфаатлари ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.


— Келишув ва жамоа шартномалари ижросига доимий эътибор қаратиб келинаётир. — Чунончи, шу йилнинг ўзида тизимдаги корхоналарда ишлаб пенсияга чиққан байналмилалчилар, фахрийлар, эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар аъзоларидан 200 нафарга 10 млн. сўмдан ортиқ тиббий хизмат харажатлари қопланди. 2918 нафар хотин-қиз касаба уюшмалари томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Жамоа шартномалари орқали 2280 нафар аёлга иш берувчилар томонидан моддий кўмак берилди. 2 ёшга тўлмаган боласи бор ишловчи аёлларга дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари болани овқатлантириш учун ҳар 3 соатда 30 дақиқадан танаффус берилаяпти. Хомилдор ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасининг иш берувчи томонидан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги қаттиқ назоратга олинган. 4 ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларга иш ҳафтаси бир соатга қисқартрилган. Зарарли шароитларда ишлаётган хотин-қизлар махсус кийим-бош, сут ва қатиқ маҳсулотлари билан таъминланиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида даромад солиғи ундиришда имтиёзлар берилмоқда. 4748 нафар аёл «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида ташкил этилган спорт тадбирларига жалб этилди. 300 нафарга яқини эса республика ва маҳаллий санаторийларда соғломлаштирилди. Меҳнат муносабатларини чуқурлаштириш орқали «Инсонга наф келтириш — олий бахт»

ва 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдамлар бериш йўлга қўйилди. Жорий йилда 2700 нафар ўқувчига шундай ёрдам кўрсатилди. Жойларда ижтимоий масалаларни ҳал этишда аҳоли реал даромадларини ошириш учун шахсий томирқалардан фойдаланиш, паррандачилик, асаларичилик, кўнчиликни ривожлантириш, иссиқхоналар қурилишига амалий ёрдам кўрсатиб келинаёпти. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда «Обод маҳалла», «Обод хонадон» кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантириб борилаётган.

Ижтимоий муҳофазанда манзилли ёрдамни ташкил этишга ҳам эътибор қаратилаётган. Хозирда меҳнат аҳлига кўрсатилаётган ижтимоий кўмаклар сони 43 тадан ошиб кетди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан кам таъминланган, кўп болали оилалар, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган фуқароларга қорамол, 20 бовдан парранда берилди.

да, Қумқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактаби касаба уюшмаси ғолиб деб топилди, 1-ўринни эгаллади. Мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги 2012-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси ходимлар манфаатларини ҳимоялашда асос бўлиб хизмат қилаётганини кўриш мумкин, — дейди Нуриддин Ёқубов.

Бошланғич касаба уюшма қўмитаси кенг ва ёруғ хона билан таъминланиб, замонавий меҳнат жихозлари, компьютер жамланмаси билан жиҳозланган. Жамоа шартномасига мувофиқ, мактабда меҳнатни муҳофаза қилиш, ўқитувчи ва техник ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи омиллари камайтириш, ногирон ва нафақадаги фахрий устозларнинг дори-дармон билан имтиёзли таъминланиши бўйича иш берувчи билан қўшма қарор қабул қилинган. «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида бу йил 1-синфга қабул қилинган 100 нафар болажонга санитария-гигиена маҳсулотларидан иборат совғалар тарқатилди.



Касаба уюшма ҳимоясида

Когон туманидаги муассасалардан бирида ҳамширалик вазифасида ишлаб келаётган Озода Рўзиевага раҳбари штати қисқартирилганини маълум қилди. Оғохлантириш хатиға ҳам қўл қўйдиришди. Орадан икки ой ўтмасдан О.Рўзиева билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси бекор қилинди. Ҳамшира оиласида ўзидан ташқари ишловчи йўқлиги, яъни турмуш ўртоғи нафақада, уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини айтиб норозилик билдирди. Аммо унинг эътирози инобатга олинмади.

Ҳақ қарор топди

Ҳақ-ҳуқуқлари қонуний ҳимоя қилинишини сўраб Озода Рўзиева вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ариза билан мурожаат қилди. Бирлашма юридик бўлими мудир Икромжон Тошов ва юристконсулти Ҳамро Чориев масалани чуқур ўрганиб чиқишга, тўпланган ҳужжатларни фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлар судига тақдим этишди. Суд даъвогар Озода Рўзиевага мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида қарор чиқариб, уни вазифасига тиклади.

Яна бир мисол. Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти ректорининг 2013 йил 20 январдаги 2-КБ-ТЖА (01) буйруғи билан «Технологик жараёнларни автоматлаштириш» факультетининг кундузги бўлимида таҳсил олаётган Азимжон Камолов сабабсиз 74 соатдан ортиқ дарс қолдирган деб топилган ва талабалар сафидан четлаштирилган. А.Камоловнинг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ҳуқуқий ёрдам сўраб қилган мурожаати изсиз кетмади. Бирлашма ҳуқуқшунослари масалани қонуний нўқтани назардан ўрганиб чиқдилар. Буйруқнинг асослиги исботини топмади. Талаба ўқишга тикланди.

Айтиш жоизки, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлими жорий йилнинг биринчи ярми давомида ҳодимларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борисид ҳамда меҳнат қонунчилигининг алоҳида масалалари юзасидан 17 марта ҳуқуқ-тарғибот ишларини ўтказди. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди, оғзаки ва ёзма ҳуқуқий тарғибот, яъни тавсиялар ишлаб чиқиб, вилоятнинг барча тармоқ касаба уюшмаларига тарқатилди. Оғзаки ҳуқуқий тарғиботларда 1100 нафарга яқин касаба уюшма аъзолари, ёшлар кенгашлари фаоллари, бошланғич касаба уюшма ташкилотига янги сайланган аъзолар иштирок этишди.

Ўтказиб келинаётган ҳуқуқ-тарғибот машғулотида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, тармоқ касаба уюшма ташкилотларида фаолият юритиб келаётган ҳуқуқшунослар томонидан маърузалар қилинмоқда. Инфор ахборот-технология воситаларидан (мултимедиа) фойдаланилган ҳолда кўргазмалар ўқув куроллари ҳам ишлатилмоқда.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг иш берувчилар томонидан ижроси юзасидан бўлим ҳодимлари 57 та корхона, ташкилот ва муассасада бўлиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишди. Меҳнат муносабатларининг турли йўналишлари бўйича тавсиялар ва тушунтиришлар, «Меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг айрим хусусиятлари тўғрисида»

амалий тавсиялар берилди. Меҳнат қонунчилиги ва касаба уюшмаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган кўргазмалар слайдлар орқали ҳуқуқий саводхонлик бўйича давра суҳбатлари ва ҳуқуқий тарғибот бурчаклари ташкил қилинди.

Бирлашманинг «Ишонч телефони» орқали касаба уюшмаси аъзолари ва вилоят меҳнаткашларига меҳнат, фуқаролик қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Билимдон ҳуқуқшунослардан иборат фуқароларнинг қабул кунлари жадалли ишлаб чиқилган.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотлари органларига нисбатан 5 та (шундан 1 таси юқори органга) тақдимномалар киритилиб, 4 таси қаноатлантирилган.

Бирлашма юридик бўлими томонидан мурожаатлар билан ишлаш юзасидан 2013 йил 1-ярми давомида 133 та мурожаат ўрганилди. Шундан фуқаролардан 131 та мурожаат қабул қилиниб, улардан 114 таси, корхоналардан 2 та мурожаат қабул қилиниб, барчаси тўла қондирилди. Келиб тушган аризаларни ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ҳодимларга 4.890.154 сўм ундириб берилди. Ушбу маблағлар асосан, ҳодимларнинг ишдан бўшаш нафақалари ва компенсация тўловлари, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи тўловлари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, ноқонуний интизомий жавобгарлик чораси қўлланганилиги натижасида ушлаб қолинган рағбатлантириш ва бошқа тўловлардан иборат.

Судларда ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан 22 мартаба иштирок этилиб, улардан 9 нафар ҳодим суд орқали, 2 нафар ҳодим судга қадар бирлашма юридик бўлими аралашуви билан ишга қайта тикланди.

Юридик бўлимида «Ишонч телефони» ташкил қилиниб, унда вилоятнинг барча меҳнаткашлари ва тадбиркорлик субъектларига қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тузилаётган ҳўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертиза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида 67 та ҳўжалик шартномаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 1 таси юзасидан ҳуқуқий ҳулоса берилган. Ҳўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертиза қилишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ҳўжалик юридувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Қонун ва «Касаба уюшма ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомни талаблари асос бўлмоқда. Бундай ижобий ҳаракатлар ва амалий ёрдам кенг жамоатчилик ўртасида касаба уюшмаларининг обрў-эътиборини оширмоқда.

И.ХОЖИЕВ

Холис хизмат

Жорий йил 24 июнда Ўзбекистон Агрисаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Ишонч телефони»га Тошкент вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бошқармаси мутахассиси Абдурашид Ганиев мурожаат этди. У бошқармада нафақа олиб ишловчи уч нафар ҳодимнинг 2013 йил май ва июн ойлари учун пенсия тўловлари тўланмаётганини маълум қилди.

Касаба уюшма ҳуқуқшунослари зудлик билан ташкилот раҳбариятига боғланишди. Маъмурий бошқармага хизмат кўрсатувчи «Hi-Tech» тижорат банки томонидан тўловларнинг кечиктирилётганини муаммо сабаби сифатида кўрсатган, шу кўниёқ банкнинг маъсул ҳодимлари билан музокаралар бошлаб юборилди. Телефон орқали кечган музокарада банк ҳодимларига мамлакатимизда амал қилаётган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун талаблари тушунтирилди. Жумладан, нафақа тўловларини кечиктирмасдан

тўлаб бориш шартлиги айтилган, мурожаатдан бир кун ўтиб ҳодимлар нафақаси тўлиқ тўлаб берилди. Умуман, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Марказий кенгашига «Ишонч телефони» орқали ҳуқуқий маслаҳат ёки ҳуқуқини тиклашни сўраб мурожаат қилган 48 нафар фуқарога бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилган. Бузилган ҳуқуқини тиклашни сўраган 12 нафар фуқаронинг мурожаати бўйича аниқ чоралар кўрилиб, ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, фуқаролардан жами 13 та ёзма ва 22

та оғзаки мурожаат келиб тушган. Бу мурожаатлар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба уюшмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби» талаблари асосида ҳал этилмоқда. Шу кунгача, ёзма мурожаатларнинг 5 таси ижобий ҳал қилинди. Д.АБДУҚОДИРОВ, Ўзбекистон агрисаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юристконсулти

Иқтисодиёт

Маълумки, мамлакатимизда «Банк тизими молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестицион фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «2010-2015 йилларда республика молия-банк тизимини келгусида ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ва унинг барқарорлигини янада ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш тўғрисида»ги Президент қарорлари қабул қилинган. «Ипотека-банк» АТИБ уларнинг ижросини таъминлаш, нафақат республика банклари, жаҳон банклари ўртасида ҳам ўз ўрнини янада мустақамлаши зарурлигини инобатга олган ҳолда 2013 йилда тизимда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, уларни тўлиқ бажаришни таъминлаб келмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор банклар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада «Ипотека Банк» АТИБ Олмасор филиали Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳамда J-USBP дастури лойиҳаларини кредитлаш бўлими томонидан жорий йилнинг иккинчи чорагида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2013 йилнинг 1-чорагида 59 та миқжоз 13 389,9 млн. сўм кредит билан таъминланган. Булардан саноат соҳасига — 7 863,4 млн. сўм, савдо соҳасига — 3 292,6 млн. сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига — 2 233,9 млн. сўм кредитлар ажратилган.

Шунингдек, филиал мамлакатимизда амал қилаётган инқирозга қарши дастурлар, озик-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришга

Тадбиркорга мададкор

Шу ўринда филиал кредит портфели жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 39 929,8 млн. сўмини ташкил қилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, филиал мамлакатимизда амал қилаётган инқирозга қарши дастурлар, озик-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришга



сўм кредит йўналтирилди. Шунингдек, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 7 923,8 млн. сўм миқдорда кредитлар берилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга ўз бизнесларини йўлга қўйишда ёрдам кўрсатиш мақсадида филиалга бириктирилган коллежда битирувчиларга кредит ажратиш бўйича ўқув семинарлари ва битирувчиларнинг бизнес лойиҳалари муҳокамалари ўтказиб келинмоқда.

Шавкат ФАЙЗИЕВ, «Ипотека банк» АТИБ Олмасор туман филиали бошқарувчиси


Маънавиятга таҳдид

«Пўлат»ни олайлик. Дадажон, зўр жойида қолган-да! Шу «сериясида» анаву қизни отишади, — дея хархаша қила бошлади бозорда қўлбола растага териб қўйилган ДВД дискларини кўрсатиб 5-6 ёшлардаги бола. Ажаб, ҳали ақлини танимаган гўдакка «Қашқирлар макони» номли хориж сериали шунчалик таъсир қилганки, у ширинлик ёки ўйинчоқ олишдан кўра, жангари, ваҳшийликни тарғиб қилувчи филмни кўришга иштиёқманд. Мана, сизга маънавиятга таҳдиднинг салбий қўрнишларидан бири...

Кино... ўйинчоқ эмас

Киноиндустрия маҳсулотларининг шиддатли тарқалишига бирданига 10 га яқин филмни ўзидан жамлай оладиган ДВД дискларнинг кенг ҳажмли янги авлоди, шунингдек, флеш ЮСБ дискларни истеъмолга чиқарилгани сабаб улрани ўқийдиган қурилмалар ўрнини ДВД плейер, замонавий видео ва кассеталар, бундай ижобий ҳаракатлар ва амалий ёрдам кенг жамоатчилик ўртасида касаба уюшмаларининг обрў-эътиборини оширмоқда.

кистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ҳудди шунингдек, уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузастиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.



Киноиндустрия маҳсулотларининг шиддатли тарқалишига бирданига 10 га яқин филмни ўзидан жамлай оладиган ДВД дискларнинг кенг ҳажмли янги авлоди, шунингдек, флеш ЮСБ дискларни истеъмолга чиқарилгани сабаб улрани ўқийдиган қурилмалар ўрнини ДВД плейер, замонавий видео ва кассеталар, бундай ижобий ҳаракатлар ва амалий ёрдам кенг жамоатчилик ўртасида касаба уюшмаларининг обрў-эътиборини оширмоқда.

Шу ўрнида биргина Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармасининг берган маълумотини келтириб ўтсак, Маълумотга кўра, ўтган 2012 йил мобайнида ноқонуний тарғиб қилиш мақсадида қилинган ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Ҳуқуқбузарлардан далил этиш сифатида олинган DVD, CD дисклар ичида юқорида таъкидлаганимиздек ваҳшийлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи, гоғий бузуқ лавҳа ва кинофилмлар топилган.

Аянчлиси, ноқонуний тарзда пулланаётган аудио ва видео дисклар орасида миллиметизга хос бўлмаган, менталитетимизга ёт, ваҳшийлик ва зўравонликни тарғиб этувчи, порнография мазмундаги лавҳа ва кинофилмлар ҳам бор. Бу эса ёшларимиз онгини бузиб, улар руҳиятида турли ахлоқсизликлар, ёмон иллатларга нисбатан майл уйғотиши мумкин.

Мамлакатимиз қонунчилиги, хусусан, Жиноят кодексининг 130-моддасига асосан «Порнография маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбе-

диск савдоси билан боғлиқ 197 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Ҳуқуқбузарлардан далил этиш сифатида олинган DVD, CD дисклар ичида юқорида таъкидлаганимиздек ваҳшийлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи, гоғий бузуқ лавҳа ва кинофилмлар топилган. Шундай дискфурушлардан бири Наманган шаҳрида яшовчи А. Исоқов бўлиб, у тегишли ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда 1185 дона аудио ва видео лазер дисклар билан савдо қилаётган вақтда қўлга олинган. Ушбу қилмиши учун А. Исоқов тегишли жазога тортилди.

Шу ўрнида биргина Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармасининг берган маълумотини келтириб ўтсак, Маълумотга кўра, ўтган 2012 йил мобайнида ноқонуний тарғиб қилиш мақсадида қилинган ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Ҳуқуқбузарлардан далил этиш сифатида олинган DVD, CD дисклар ичида юқорида таъкидлаганимиздек ваҳшийлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи, гоғий бузуқ лавҳа ва кинофилмлар топилган. Шундай дискфурушлардан бири Наманган шаҳрида яшовчи А. Исоқов бўлиб, у тегишли ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда 1185 дона аудио ва видео лазер дисклар билан савдо қилаётган вақтда қўлга олинган. Ушбу қилмиши учун А. Исоқов тегишли жазога тортилди.

Савол: Туғилишни муддатдан ўтказиб қайд этиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Ирода ЖУМАЕВА, Тошкент шаҳри

Жавоб: Мамлакатимиз Оила кодексининг 205-206 моддаларига асосан болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим. Боланинг туғилиши унинг туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади.

Боланинг туғилганлик муддатини ўтказиб қайд этиш мамлакатимиз қонунчилиги ва Оила кодекси талабларига асосан амалга оширилади. Бунда бола 16 ёшга тўлгунча бўлган муддатларда қилинган мурожаатлар рад этилмайди ва қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Мисол учун, Учтепа туманида истикомат қилувчи фуқаро Озода... 2009 йилда 25 ёшга тўлганлиги муносабати билан муддат тугаган шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспортни лоқайдлик билан алмаштирмаган. Натижада 2010 йили у фарзандли бўлганида ФХДЭ органи томонидан боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатномани расмийлаштириш рад этилади. 2010 йили март ойида О. Ортиқова паспортини тиклагандан сўнггина зарур жараёнга, 2012 йил 5 апрелда боланинг туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилган.

Барно НАБИХУҲАЕВА, Учтепа туман ФХДЭ бўлими инспектори

Иллат ва кулфат

Ихтиёрий жиннилик касри

Кимки ароқ ичса, шайтоннинг дўстига ва кўмакчисига айланади. Шайтон измига юрган одамдан эса яхшилик чиқмаслиги турган гап. Чунки тиббийёт ҳодимларининг таъкидлашича, спиртли ичимлик истеъмол қилингандан сўнг асаб ҳужайраларининг маълум қисми ҳалок бўлади. Ҳужайраларнинг муттасил ўлиб бориши эса, аста-секин ақлий қобилият, ирода ва хотиранинг сусайишига олиб келади.

Халқимизда «Ичкилик иллат — келтирар кулфат», деган мақол бор. Дарҳақиқат, бу иллат инсон соғлиги, жамиятдаги обрў-эътиборига зиён етказиш билан бирга, унинг бошга кулфат ёмғирини ёғдиради. Бунга ўтган йилга қараганда бир воқеани мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ёш бўлишига қарамай «Тоҳиробод Файзий» фермер ҳўжалигига раҳбарлик қилаётган Турсун Нурматов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кечга яқин дала шийпонига келганида акиси Маъмур мол боқувчисидан нолиб қолади. Эмишки, Абдуқоюм ака молларга қарамадан бошқа бир фермер ҳўжалигида юрганмиш. Бу ҳолат кайфи тароқ йигитнинг зардасини қайнатади. Ака-ука шу

заҳотиёқ Толиб Абдурасулов раҳбарлик қиладиган фермер ҳўжалиги томон йўл олади. Дала шийпонига етиб келишганда уларга фермер ҳўжалиги раҳбарининг ўғли Эркин пешовзо чиқди. Мол боқувчини сўраб келган ака-ука ва Эркинжон ўртасида гап қочиб, жанжалга айланди. Бу жанжал Турсуннинг дала шийпониди ҳам давом этди. Бу пайтда ўғлидан хавотир олган Толиб Абдурасулов бир неча ҳамроҳи билан «Тоҳиробод Файзий» дала шийпонига келади. Уларнинг орасида бу келишмовчиликка алоқаси бўлмаган Улмас Ганиев ҳам бор эди. У яхшилик тарафлари бўлиб, «қўйинлар бу жанжални, ҳаммасини тиңч йўл билан ҳал қилса бўлади-ку», деб балага қолди. Тур-

сун маст ҳолатда болта кўтарганча «Хаммангни чопиб ташлайман», дея дағдаға қилади. Улмас унинг таҳдидини шунчаки бир гап деб ўйлаб, Турсуннинг олдига боради. Бироқ спиртли ичимлик ақлини хиралаштирган Турсун ҳазиллашмаётган эди. У болтанинг орқа қисми билан Улмаснинг бошига уради. Зарба кучидан Улмас Ганиев ҳушини йўқотиб, ерга қулайди. Аммо Турсун бунга аҳамият бермай, ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириб, қолганларини ҳам чопиб ташлашни айтганича Ф.Зокировга тегишли «Нексия» русумли автомашинанинг олди капотини болта билан уриб, машинанинг олд қисм ёритиш фараларини синдиради.

Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судида Турсун Нурматовнинг иши кўриб чиқилиб, унга қилмишига яраша жазо тайинланди. Шу ўринда бир савол туғилади. Агар Т.Нурматов ўша пайтда маст ҳолатда бўлмаганида мана шундай жиноятга қўл урармиди? Мастликда қилган қилмиш эса унга кулфатдан бошқа нарса келтирмади. Энди у умрининг анчагина қисмини панжара ортида ўтказди.

Расулжон ЖўРАЕВ, Бағдод туман прокуратораси терговчиси

Бугуннинг гапи

Одам савдосига қарши курашиш бўйича кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот олиб борилаётганига қарамай, айрим фуқароларнинг ҳаёт элларга ишлашга кетиб, саргардон бўлаётгани аини ҳақиқат. Бу жиноятдан жабрланганлар сони кундан-кунга ортаётгани кишини беихтиёр ўйга толдиради.

Адашганларга кўмак

Навоий шаҳар тиббийёт бирлашмаси тизимидаги 4-оилавий поликлиникада Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида тизимли иш олиб борилаётган. Ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишига эътибор қаратилиб, шу асосда поликлиника ҳудудида маҳалларда яшовчи фуқаролар билан санитария

тарғибот ишлари юритилапти. МФЙларда рўйхатга турувчи 44 нафар чет элларга узоқ муддатга чиқиб қайтган фуқаро тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Улардан 20 нафарига касаллик топилиб, диспансер назоратига олинди ва соғломлаштириш ишлари ўтказилмоқда. Яқинда «Мустақиллик» маҳалласида вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари, ички ишлар бошқармаси Енгин хавфсизлиги бўлими, поликлиника тиббийёт ҳодимлари, маҳалла посбони ва маслаҳатчиси, ҳудудда яшовчи аҳоли вакил-

лари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Унда инсон саломатлигига таҳдид солаётган ушбу иллат тўғрисида аниқ далиллар келтирилди. Тадбирда одам савдосининг жамиятимизга қанчалик зиён келтириши, жабрланганларга ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, хоржий ўлкаларда узоқ муддат яшаб қайтган фуқароларнинг ўз ихтиёри билан тиббий кўрикдан ўтиши оила аъзоларига ва жамиятимизга фойдали эканлиги ҳақида тушунчалар берилди.

Поликлиникада ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари билан ҳамкорликда чет элларда бўлиб қайтган фуқароларнинг ихтиёр тарзда қон таҳлиллари топширишлари ташқи этилиб, уларнинг сир сақлашни кафолатлади.

Ҳолида ЭШНИЕЗОВА, Навоий шаҳридаги 4-оилавий поликлиника бўлими мудир



М.АМИН (ЎЗА) олган сурат

**Тошкент вилоят** касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Чирчиқ шаҳрида «Касаба-тур» веломаарафони ўтказилди. Унда турли меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган 200 дан зиёд ҳодим ҳамда ҳаваскор велоспортчилар маҳоратини синовдан ўтказди.

Кизгин ва мурасис кечган пойгларда куйидагилар совриндорлар сафидан жой олишди: 25-35 ёшлилар ўртасида (эркаклар) Амир Сарикўлов, Юрий Кишин ва Исламбек Юлдошев чапдастикларини намойиш этишди. Камола Раҳмонова, Гулсин Мирзатиллаева, Дилбар Приқўлова аёллар ўртасида голиб чиқишди. 35 ёшдан юқори бўлган эркаклар ўртасида Игор Лорин, Евгений Кишин ва Руслан Гарипов шохсунага кўтарилдилар. Аёллардан Мархабо Турсунқўлова, Дилфуза Аллаёрова ҳамда Мастура Юлдошева сафдошларидан илгарилар кетиб, кучли ушлики банд этишди. Бундан ташқари, профессионал спортчилар мусобақаси ҳам ўтказилди. Унда Руслан Каримов, Денис Шайманов ва Рустам Тўйчионов галаба нашидасини сурдилар. Шунингдек, «Энг кекса пойгачи» (эркак ва аёл), «Энг фаол пойгачи», «Энг маҳоратли пойгачи», «Галабага бўлган иштиёқ учун», «Энг ёш пойгачи» каби номинациялар голибларига совғалар топширилди.

Фурсатдан фойдаланиб иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Бугун 35 ёшдан юқори бўлган иштирокчилар сафида марафонда қатнашдим ва иккинчи ўринни кўлга киритдим, — дейди Юқори Чирчиқ тумани 7-мактаб рус тили ўқитувчиси Дилфуза Аллаёрова. — Ёшлигимдан спортга қизиқман. Айнқиса, югуриш, баскетбол, енгил атлетика, биатлон турлари билан мунтазам шуғулланман. Бу галабага эришимда кўл келди, деб ўйлайман. Сир эмас, мамлакатимизда хотин-қизлар спортга катта эътибор қаратиляпти. Шундай экан, спортнинг бирор-бир тури билан мунтазам машғул бўлиш барчага, айнқиса, ёш авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган биз каби аёллар учун фойдали бўлади, деб ўйлайман.

— Юртимизда спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилляпти. Нафақат спортга ихтисослашган мактаб ёки коллежларда, балки ҳар бир меҳнат жамоасида турли спорт тадбирларининг мунтазам ташкил этилиши ҳодимларнинг соғлом ҳаёт кечирлишига замин яратмоқда, — дейди 25-35 ёшгача бўлган пойгачилар ўртасида шохсунанинг биринчи погонасига кўтарилган Амир Сарикўлов. — Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган бугунги веломаарафон ҳам фикримни тасдиқлайди. Албатта, кейинги пайларда касабаси уюшмалари томонидан кўплаб спорт мусобақалари уюштирилаётгани ҳам меҳнаткашларнинг соғлом бўлишига хизмат қилмоқда.

— Кўплаб мусобақаларда қатнашганман. Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган «Касаба-тур» веломаарафонида ҳам халқаро талаб ва нормаларга катта эътибор қаратилганининг гувоҳи бўлдим, — дейди профессионал спортчилар беллашувида биринчи ўринга сазовор бўлган Руслан Каримов. — Мусобақага старт беришдан олдин иштирокчиларнинг юз-кўзида галабага бўлган иштиёқ сезилиб турди. Профессионал спортчи бўлсам-да, бу мусобақада қатнашиш мен учун ҳам ҳаяжонли кечди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Наманган.** «Касаба-тур» веломаарафони вилоятда ўзгача кайфиятда ўтказилди. Зеро, республикадаги энг мустаҳкам ва бежирим велосипедлар ишлаб чиқарувчи ҳудудда спортнинг бу турига айрича меҳр билан ёндашилади. Ҳозирги кунда вилоятда велоспорт бўйича тўғарақларда 100 дан ортиқ профессионал ҳамда 500 дан ортиқ ҳаваскор спортчи шуғулланмоқда.

Веломаарафонда 300 дан ортиқ ҳаваскор фаол қатнашди. Тадбир уюшқоқлик билан ўтказилди. Мусобақага «Соф савдо» супермаркети олдига старт берилиб, Наманган шаҳри марказидаги «Тинчлик» стелласи остида ташкил этилган финишда иштирокчилар кўтиб олинди. Тақдирлаш маросимида вилоятдаги танқили санъаткорлар ўз куй-қўшиқлари билан иштирок этишди.

Голибларга мукофотлар топширилди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**  
«Ishonch» мухбири

**Самарқанд.** Касаба уюшмалари ташаббуси билан бунёд этилган «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси ёнидан старт олган анъанавий «Касаба-тур» веломаарафонида 300 дан ортиқ ҳаваскор иштирок этиди. Мирзо Улуғбек расадхонаси пойидаги майдонда голибларни тақдирлаш тантаналари ташкил этилди. Самарқанд архитектура ва қурилиш институти доценти Убайдулла Қосимов «Энг кекса пойгачи», Нилуфар Телманова эса «Энг ёш пойгачи», Рустам Мустафоев «Энг фаол пойгачи», Давронбек Тошпўлатов «Энг маҳоратли пойгачи», Мирзо Улуғбек Юсупов «Галабага бўлган иштиёқ учун» номинациялари бўйича голибликни кўлга киритдилар.

— Мазкур мусобақада қатор йиллардан бери иштирок этиб келаман. Бу йилги беллашув олдингиларидан анча кўтаринки руҳда ўтди. Иштирокчилар сони эса қарийб бир баробарга ошибди. Кўриниб турибдики, спортга ошно бўлаётганлар кундан-кунга кўпаймоқда, — дейди Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти доценти Зоирбек Юсупов.

Голиблар муносиб тақдирланди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Бухоро.** Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги ҳодимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш ишларини оммалаштириш сари бошланган ҳаракатлар йил сайин кенг қулоқ ёймоқда.

Масалан, ўтган йили ташкил этилган веломаарафонда 100 га яқин касабаси уюшмаси аъзоси иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сони 200 дан ошди. Ҳаваскор спортчиларнинг бу йилги мусобақаси кўтаринки руҳда бошланди. Шокир Шарипов «Энг кекса пойгачи», Жамшид Ашуров «Энг фаол пойгачи», Ҳабиба Нарзиқўлова «Энг маҳоратли пойгачи», Неймат Эргашев «Галабага бўлган иштиёқ учун», Бахтиёр Муродов «Энг ёш пойгачи» номинациялари бўйича голибликка эришилди.

Голибларга вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

**ЯНА БИР ГАЛАБА**

Велоспортчиларимизнинг халқаро спорт ареналарида кўлга киритаётган ютуқлари сони ошиб бормоқда.

Борнео оролларида (Малайзия) велоспортнинг шоссё йўналишида «Тур Борнео — 2013» мусобақаларида вакилимиз муваффақиятли қатнашди. Халқаро турнирда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатидан келган велоспортчилар иштирок этидилар.

Мазкур мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган кўп қарра мамлакат ва Осиё чемпиони Руслан Каримов Козогистон ва Баҳрайн вакилларини ортда қолдириб, кумуш медални кўлга киритди.



**Алена САПАРОВА,**  
Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

**Касаба уюшмаси: Обод ҳаёт, обод турмуш сари**



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тадбирнинг очилиш маросимида ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева иштирокчиларни кўлга, уларга муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг мусобақага старт берилди. 25-35 (10 км.) ҳамда 35-45 ёшли (5 км.) эркак ва аёллар ўртасида ўтказилган веломаарафон галабага бўлган иштиёқ намойишига айланди.

25-35 ёшли эркаклар ўртасидаги беллашувда Мавлон Тўраев голибликни кўлга киритган бўлса, Александр Литвинов, Зенур Киринов кейинги погоналарни банд этиди.

Шу ёш тоифасида аёллар ўртасида ўтказилган баҳсда эса Анастасия Аракчеева барча рақибларини ортда қолдириб, финишга биринчи бўлиб етиб келди. Ундан бир неча сонияга ортда қолган Анастасия Крол, Наталья Берёзина совриндорлар сафидан жой олди.

35-45 ёшли эркаклар орасида Рустам Голубков галаба нашидасини сурди. Руслан Усенов ҳамда Дамир Ироков шохсунага кўтарилдилар.

Мазкур ёш тоифасидаги аёллар мусобақасида Лариса Эштоева финиш чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Татьяна Элусизова ҳамда Светлана Исаева эса иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Бундан ташқари, Жасур Ризаев «Энг маҳоратли пойгачи», Умида Иброҳимова «Галабага бўлган иштиёқ учун», Виктор Клименко ҳамда Олга Шкилёва «Энг кекса пойгачи», Виталий Дмитрик «Энг фаол пойгачи», Давид Кашанов «Энг ёш пойгачи» номинацияларида голиб деб топилдилар.

— Аёл киши спорт билан доим шуғулланиши керак. Чунки, соғлом ондан соғлом фарзанд дунёга келади. Аёлларга велосипедда тез-тез сайр қилишни тавсия қилган бўлардим. Сабаби, бу машғулот семирдиб кетишдан асрайди, коматни чиройли қилади, — деди веломаарафон голибаси Анастасия Аракчеева.

— Касаба уюшмалари томонидан уюштирилаётган кўплаб спорт тадбирларида қатнашганман. Тизимда велоспортга қаратилган эътибор кўпчилики кувонтирмоқда. Бундай мусобақалар кўпаяверсин, — деди мусобақанинг энг ёши улуг иштирокчиси Виктор Клименко.

Инсон учун ўзини намойиш қилиш йўллари кўп. Велоспортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шундай имконлардан бири. Мазкур веломаарафон эса бу эзу ниятни юзага чиқаришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

«Касаба-тур» мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Андижон вилоятларида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**  
«Ishonch» мухбири



**Сирдарё.** «Касаба-тур» веломаарафони Сирдарё меҳнаткашлари ўртасида намунали ташкил этилди. Касаба уюшмаларининг барча тармоқ аъзолари фаол иштирок этишди. Иштирокчилар шаҳар аҳолиси, уларнинг яқинлари, ҳамкасблари ва йўл қатновчилари томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилди.

Марафон Гулистон шаҳри «Аҳиллик» маҳалласида жойлашган катта асосий кўприкнинг айланма қисмидан бошланиб, шаҳардаги академик лицейда яқун топти.

— Ёшлигимдан велосипед ҳайдаман. Бу пойгада қатнашиш мен учун қийинчилик туғдирмади. Голиблик эса мени жуда хурсанд қилди, — деди «Энг кекса пойгачи» номинациясининг эркаклар ўртасидаги голиби «Сирдарёэкспресс» шўбага корхонаси ходими Э. Алиев.

— Велоспорт билан мустақил равишда шуғулланиб турардим. Кўпдан машғулотларни тўхтатиб қўйганлигим учун бугун ютуққа давроварлик қилолмадим. Лекин иштирокнинг ўзи ҳам мени хурсанд қилди. Бу каби мусобақалар саломатлигимиз учун жуда фойдали, — деди Рустам Алиев.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**  
«Ishonch» мухбири

**Сурхондарё.** Термиз шаҳрининг Шимолий дарвозаси ёнидаги Шароф Рашидов кўчасида «Алпомиш» уйингоҳигача бўлган йўлак бўйлаб ҳаваскор спортчилар орасида веломаарафон бўлиб ўтди.

Мусобақада Термиз шаҳри ва барча туманлардан 300 дан ортиқ ҳаваскор велоспортчи иштирок этди. Анъанага кўра, беллашувни болажонлар бошлаб беришди. Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан уюштирилган мусобақа томошабинларга завқ-шавақ улашди.

— Велоспорт — фойдали спорт тури. Машқда тер тўксанг, бу қайсибир касалликдан қутулганингдан дарак. Шундай экан, муҳими мусобақада голиб чиқиш эмас, иштирок этиш, танининг чиникиши, дўстлар орттирилганидир, — дейди мусобақа голибларидан бири Анваржон Жумаев.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Навоий.** Вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида 300 га яқин ҳаваскор велоспортчи ҳозир бўлди. Улар «Касаба-тур» веломаарафонида ўз омадларини синаб кўрдилар.

— Бу қадар оммавийлашган тадбирда биринчи бор қатнашяпман, — дейди Кармана туманидан келган велоспортчилар Илбёшон Хамдамов. — Спортга бўлган иштиёқим менга янада ғайрат бағишлади. Мен билан бирга ўз велосипедига келган яна бир ўртоғим ҳам маррани пешқадамлар сафидан забт этди. Келгуси йилда бўладиган веломаарафонда ҳам катта тайёргарликлар билан иштирок этмоқчимиз.

Голиблар вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирландилар.

**Мансур АЛОВУДИНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Жиззах.** «Истиклол» болалар боғи ҳудудидаги спорт мажмуасида «Обод турмуш йил» дастури доирасида ўтказилган «Касаба-тур» веломаарафони мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланди.

Веломаарафонда корхона, ташкилот, муассаса ходимлари билан бирга жойлардаги маҳаллалар вакиллари ҳам фаол иштирок этди. Айнқиса, таълим, фан ва маданият ходимлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари, агросаноат мажмуи ходимлари, алоқа ходимлари касабаси уюшмалари тизимидаги жамоалар фаол қатнашдилар.

Бош ҳакам Алишер Толиповнинг велопоёгани ўтказиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги тушунтирувдан сўнг мусобақага старт берилди. Спорт иштиқозлари ва томошабинлар олқиши иштирокчиларни галабага руҳлантириб турди.

Веломаарафон голиблари вилоят КЎТБКнинг дипломи ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Абдулманноп АЗИМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Қашқадарё.** Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Касаба-тур» веломаарафони уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Мусобақада 300 дан ортиқ ишчи-ҳодим қатнашди. Қарши марказидаги Олимпия заҳиралари спорт коллежи ёнида старт олган веломаарафон «Насоф» стадионида яқунга етди. Ҳар бир қатнашчи мусобақага фақат галаба қозониш учун ташриф буорганини амалда намойиш этди.

— Мазкур мусобақада иштирок этганим ва голиб чиққанымдан хурсандман. Бу спорт байрами мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига улашиб кетгани бизни янада хурсанд қилди, — деди Усманликларни ҳимоя қилиш маркази Косон туман бўлими ходими Дилдора Аминова.

— Веломаарафонда иштирок этиб, олам-олам завқ олдим. Бу спорт тури ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида оммавийлашиб бораётгани, айнқиса, қувонarliдир, — деди вилоят ОИТСга қарши кураш маркази касабаси уюшмаси раиси Маъруф Раҳмонов.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Фарғона.** Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан Фарғона шаҳрининг «Оқарик» — «Нурафшон» кўчалари бўйлаб ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломаарафони ўтказилди.

Унда 300 дан зиёд ҳодим қатнашди. Шундан 35 нафарини аёллар ташкил этди. Веломаарафоннинг очилиш ва ёпилиш маросимида Фарғона шаҳрининг 1-маданият уйи ва вилоятдаги танқили санъаткорлар томонидан концерт дастури намойиш этилди. Голиб ва совриндорлар ҳамда 5 та номинация эгалларига касабаси уюшмаларининг дипломи ва совғалари, фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқлар ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг совғалари топширилди.

**Валишер АЗИЗОВ,**  
Фарғона вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири



Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

Музейамнинг муваффақиятлари



Наманган вилояти Чуст туманидаги педагогика коллежи... Мустақилликнинг 22 йиллик байрами арафасида Фарғона шаҳрининг Куvasой кўчасида бўш, қаровсиз ётган 4 гектар майдонда янги болалар истироҳат боғи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мулоҳаза

Майдончада ўйнаётган қизалоқлардан бири тасодифан йиқилиб тушди-ю, кўриб кетганидан йнглай бошлади. Дугонаси эса «У-я-т, у-я-т» дея уни уялтирди. Буни қаранг, шу биргина сўзнинг кучи билан кўзларидан шошқатор ёш оқайтган жажжигна қизалоқ бир зумда йиғидан тўхтади. Болалиқда бирор ноҳўя ишларга йўл қўйилганида, катталарнинг уят бўлади, деган гапи ҳам мурғак гўдак онгига кучли таъсир этади.

«Қайси замонадасиз ўзи?»

Энди айтинг-чи, болалик остонасидан ҳатлаб, ўсмирлик сари қадам қўяётган фарзандингиз бугун нималар ҳақида ўйлайди, нима билан машғул? Телевизорда уни қандай тасвирлар маҳлиё этган, қўл телефонига юкланган расмлар, ўйинлар, ҳатто мусиқа моҳияти қаерга етаклапти?... Уларга сиз ҳам бир разм солиб, «Уялмайсанми?» деб кўринг-а. «Қайси замонадасиз ўзи?» деган жавобни оласиз. Хўш, нега? Бу ахборот асрининг «ютуқларими» ёки сизу бизнинг фарзандларимизга берган тарбия борасидаги хатолашимиз?... Эҳуд буни цивилизация белгиси, деб аташ керакми? Асримиз бошларида дунёнинг ривожланган давлатларида яшовчи ҳар уч фуқаронининг бирида уяли телефон бор деган маълумотга ҳавасимиз келган эди. Бундан ўн-ўн беш йил илгари, вақти келиб Ўзбекистонда ҳам ҳар мингта аҳолидан 800 тасида уяли алоқа воситаси бўлади, деса, ким ҳам ишонар эди? Интернет тизими, телевидение ва бошқа ахборот воситаларининг кескин ривож бири хижатдан бизни қувонтиратган бўлса, яна бир хижатдан ташвишга соялпти. Сабаби, миллий қадриятларимизга зид ҳолатлар, аслида, яхшиликка хизмат қилиши керак бўлган энг сўнгги русумдаги техника воситалари орқали кириб келмоқда. Эҳтимол, бугунги интеграциялашув, дунё ҳамжамиятига қўшилиш, маданиятлар алмашинуви жараёнида бу нарсаларнинг юзага келиши табиийдир. Лекин ҳадеб цивилизациянинг ортидан қуввиш, юксак технологик тарраққийга интилиш ва турли-туман хизматлар дунёсини яратишга мойилликнинг ортиши, миллатнинг ўзлигини, унинг маънавий қиёфасини бой бериш, ўз миллий мафқурасини бузиш ҳисобига бўлиши керак эмас. Аслида, замонани, унинг талабларини ўзимиз яратамиз. Агар эркинлик деб, ҳамма насага йўл бериладиган бўлса, тубанликка қараб интилайтган бундай замонага эргашадиган нима наф? Арастуниинг машҳур гапирини эсга олайлик: «Ҳаддан ташқари эркинлик даҳшатли куллиқни келтириб чиқаради». «Даҳшатли куллиқ» - талаб ва истакларимиз борасида бениҳоя эркинлик исти, кўнглимиз тусоганича ҳаракат қилиб, кейин майда, бир қадар ахлоқсиз, ҳатто тубан майлларимиз, нафси амморанинг кулига айланиб қолишимиз эмасми?! Одамзодни бахтли ёки бахтсиз қиладиган жуда кўп сабаблар, тасодиф ва муайян хатти-ҳаракатлар қаторида онг ва унинг маҳсули бўлган фикр ҳам ҳоҳиш қилишга қўл уйнайди. Бугун айнан онг учун, мафқуравий, гоъвий ва информацион курашлар, хуруж ва таҳдидлар чегара билмас ҳисобланади.

Кўрик-танлов

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнатқашлар ўртасида бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича ўтказилган «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танлови Сирдарё вилояти Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари орасида кўплаб истеъдод соҳиблари борлигини кўрсатди.

Бунёдкорлик

Мустақилликнинг 22 йиллик байрами арафасида Фарғона шаҳрининг Куvasой кўчасида бўш, қаровсиз ётган 4 гектар майдонда янги болалар истироҳат боғи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Болажонлар маскани

— Маэкур маскан маҳаллада яшовчи ака-ука тадбиркорлар Ислоомбек, Жаҳонгир, Жалолиддин Назаровлар томонидан бунёд этилиб, унга банкдан олинган 700 миллион сўм кредит маблағи сарфланди. — деди 10-маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмонжон ака Мадраҳимов. — Янги истироҳат боғида болаларнинг кўнгли ва мазмуни дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Хитойдан келтирилган 15 турдаги аттракционлар, автодром, карусел ҳамда спорт машғулотлари заллари, сув ҳавзаси, сунъий қопламали сунъий футбол майдони болалар ихтиёрида. Боғ марказидаги ранг-баранг фавворалар болаларга хўш кайфият бағишлайди.

Санъат шайдоси

Не бахти, у танловнинг вилоят босқичида қатнашиб, фахрли 1-ўринни, республика босқичида эса 2-ўринни қўлга киритди. — Ушбу мукофот нафақат истеъдодимни юзага чиқарди, балки меҳнатга бўлган рағбатимни ҳам оширди. Мен билан бирга вилоят соғлиқни сақлаш соҳаси вақиласи сифатида танловда иштирок этган Холда Урозалиева яққа рақс ижрочилиги бўйича рағбатлангирчи ўринга муносиб деб топилди. Бизга энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида шундай кўтаринки кайфият бағишлаб, маънавий ва руҳий қувват берган ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этаман, — дейди И. Қорабоев.

Билиб қўйган яхши

Соғлом кишида қон босими муҳитга мослашиб, ўртача мувозанатда туради. Лекин, афсуски, бу кўпчилигимиз учун орзу ҳолос. Баъзиларда қон босими паст, бошқаларда аксинча, босим юқори бўлади. Нега шундай? Невропатолог-шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Нигора Иноғомовага худди шу савол билан мувожабат қилдик. Шифокор бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, зарур тавсияларни берди.

Томирлар фаолияти ўзгарса

Турли таассуротлар натижасида томирларнинг кенгайиши ёки тарайиши рўй бериб, қон босими ошиши натижасида (гипертония) хасталик аломатлари юзага чиқади. Томир фаолиятидаги бундай ўзгариш бош миёда кечаётган жараёнларгагина эмас, балки асабни қўзғатувчи ташқи ва ички таъсир кўнига ҳам боғлиқ. Қон босими бир кеча-кундуз давомида гоҳ юқорилаб, гоҳ тушиб туради. Одатда куннинг биринчи ярмида босим меъёрида бўлса, иккинчи ярмида бироз кўтарилади. Тунда эса яна меъёрий даражага келади.

Хуллас, артериал босимнинг доим бирида туриши «ишчи қон босими» деб юритилади. Мабодо, ана шу ўртача босим кўтарила, дори-дармон билан ўз ҳолига келтирилиши лозим. Борди-ю қон босими пасайса, беморнинг тинкаси қуриб, беҳол бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда шифокорлар дори-дармон буюришдан аввал кишининг «ўртача кўрсаткич босими»ни суриштиришади.

Баъзан насл суради

Томирларда қон босими турлича бўлади, юракдан узоклашган сайин пасайиб боради: аортда ана юқори, капиллярларда эса бир мунча паст. Қон босими икки даражадан иборат: устки (систолик) ва пастки (диастолик). Артериал гипертония касаллиги ана шу икки даражанинг кўтарилишидан келиб чиқади.

Аслида, юрак кислородга тўйинган қонни артериалар орқали танамизнинг барча аъзолари ва тўқималарига ҳайдайди.

Борди-ю артериалар девори бирор сабаб натижасида тарайса, қон оқиши бузилади ва босим ошади, юрак қон ҳай-

даш учун одатдагидан кўра кўпроқ куч сарфлаб, тезроқ қисқаради. Хуллас, шу тарика артериал гипертонияга йўл очилади. Хўш, қайси омиллар гипертонияга олиб келади? - ирсий омил, яъни оила аъзоларидан бирининг муқаддам артериал гипертония билан оғригани; - қандли диабет ва буйрак касалликлари; - ортикча вазн, яъни семириб кетиш;

Фикрни тўплаш қийинлашса...

Босимнинг кўтарилишига кўпинча ташқи муҳитнинг ёмон таъсири сабаб бўлади. Касаллик аста-секин ривожланиб, беморнинг ўқуси бузилиб, боши оғриди, тажанглиги ортади. Шундай вақтда тинч шароит яратилса, ноҳус аломатлар ўтиб кетади. Лекин анча йиллардан сўнг (яъни турмуш тарзида муаммолар кўпайиб, касаллик қайталаншига имкон яратилган) бош оғриги кучайиб доимий тусга ўтади. Айниқса, бошининг орқа томони тортишиб оғриди, томир гупиллаб ураётгандек бўлади. Бу вақтда кучли чарқоқ рўй беради, хотира сусаяди, фикрни тўплаш қийинлашади, бўшашиш ва кайфиятнинг бузилиши юзага келади. Артериал гипертонияни ривожланиши-

Соғайишни истасангиз...

Гипертонияга чалинган беморлар, биринчи навбатда, овқатланиш тартибига риоя қилишлари лозим. Улгеволларга бой маҳсулотлар, мевалар, қўқатлар, резворлар, тоза асал еб турган маъқул. Шунингдек: - шўр таомлар ейишдан тийилин; - кун бўйи, айниқса, кечаси ақлий ёки жисмоний меҳнат билан шуғулланманг; - имкони борича толиқмасликка ҳаракат қилин; - меҳнат ва дам олиш тартибига риоя этинг; - стресслардан қочин; - узок вақт руҳий тушқунликка берилманг; - климатерия даврида (40-55 ёшлар

Агар сиз мутахассис-врач бўлмасангиз, автомат тонометрдан фойдаланганиз маъқул. Бунақаси дорихоналарда сотилади, унинг манжети автомат тарзда шишади, рақамларни махсус экранда кўриш мумкин.

Халқ табобати ҳам ёрдам беради

Чилонжйида (унаби) меваларидан тайёрланган дахлама қон босимини тушириб, пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Бунинг учун 20 мг. майдаланган мевани ярим чойнак қайноқ сувда бир соат дамлаб қўйилади.

Дамламадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин 50 гр.дан ичилади. Куйидаги муолажа ҳам хасталиқни даволашда ёрдам беради: бир пиёла сабзузи суви, бир пиёла туруп суви, бир дона лимон ва бир пиёла асални олиб, ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади. Кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин бир ошқошиқдан ичилади. Муолажа муддати — 2 ой.

Картошка пўчоғи қон босимини туширади. Бунинг учун картошка пўчоғини яхшилаб ювиб, қайнатасиз. Туз солинмайди. Пўчоқ пишқаб, сузиб олинди ва суви кунига бир неча марта дамилади.

Укропдан тайёрланган дахлама овқатнинг энгил ҳам бўлишига ёрдам беради, юрак фаолиятини яхшилаб, қон томирларини кенгайтиради, қон босимини пасайтиради, қаттиқ зардобига укропни майдалаб, аралаштириб ичилса, асабни тинчлантириб, қон босимининг пасайишига кўмаклашади.

Г. ЖАМИЛОВА ёзиб олди.

Қон босими нега ошади?

- кам ҳаракатлили; - ёғли ва шўр овқатларни кўп истеъмол қилиш.

Қон босими ҳамма ёшдаги кишиларда кўтарилиши мумкин. Лекин ёшларда кўпроқ буйрак, юрак ва бошқа ички аъзолар касалликларидан сўнг юзага келади.

Урта ёшдаги кишиларда гипертония касаллиги бошқа касалликларга нисбатан кўпроқ урайди. Катта ёшларда, 50-60 ёшдан ошган қон томирлари склероз бўлиб қолгани натижасида босим кўтарилиши кузатилади. Склерозда босимнинг юқори даражаси кўтарилиб, пастки даражаси кўтарилмастлиги мумкин. Бўйиннинг умуртқа қисмида туз йиғилганда ҳам қон босими тез-тез ўзгариб туради.

Агар қон босимингиз меъёридан бир мунча юқори турса-ю, сизни ҳеч нарса безовта қилмаётган бўлса, хавотирга тушманг. Яхшии, ўзингиздаги «ишчи қон босими»ни билиб олинг.

Ҳафтада уч марта, эрталаб ва кечқурун қон босимини ўлчаб, ўзингизга тегишли меъёрни аниқланг.

га кўра, уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда — беморни юрак соҳасида ва бошдаги оғриқ, бош айланиши, уйқусизлик, салга жажл чиқиши, терлаш, оёқ-қўлларининг увишиши, қулоқ шангилаши безовта қилади.

Иккинчи босқичда — оғриқ зўрайиб, тез-тез тўтиб туради, бош айланиди, уйқу бузилиб, бемор тез чарчайди, меҳнат қобилияти пасаяди, юрак қисилиши ва юракни гижимловчи оғриқдан, кўз атрофининг қоронғиланишидан, қулоқ шангилашидан безовталанади.

Агар бемор ўз вақтида даволанмаса, гипертония учинчи босқичга ўтади. Бу босқичда касаллик аломатлари янада зўрайди. Кучли бош оғриғи, бош айланиши, хотиранинг пасайиши, буйрак фаолиятининг бузилиши сингари ҳолатлар кузатилади.

Артериал гипертония касаллигининг ҳар қандай босқичида қон босими бирдан кўтарилиб кетиши, яъни гипертония кризиси юз бериши мумкин. Бунда беморнинг боши қаттиқ оғриб, айланади, қайт қилиш, ҳуддан кетиш, кўз хиралашуви ёки кўрмай қолиш ҳолатлари юз беради. Шундай пайтда дарҳол врач чақириб керак.

атрофида) осийишта турмуш тарзига амал қилин.

Шуни унутмангки, қон босими мунтазам ортишига бепарво қараб, ўз вақтида муолажа олмасангиз гипертония кучаяди, натижада у миокард инфаркти ва инсультга олиб келиши, буйрак фаолиятини издан чиқариши мумкин!

Тўғри ўлчаш қоидалари: қон босимини ўлчашдан бир соат аввал босимни туширадиган ёки кўтарадиган препаратлар (буйрак қаторига кўзга, бурунга томизладиган дориалар ҳам кирди) қабул қилиш мумкин эмас;

кучли жисмоний ҳаракатдан сўнг қон босимини ўлчаб бўлмайди, ҳатто тез-тез юриб келган бўлсангиз, бир муддат ўтиринг ёки ётиб тинчланг;

босим ўлчанайтган пайтда бемор стулга бемалол ястаниб ўтирган, қўлини эса стол устига қўйган бўлсин;

қон босимини ҳар иккала қўлда ўлчаш керак;

босим баланд чиққан қўлда босимни тақдор ўлчаш лозим. Уч марта ўлчашдан кейингига қон босими ҳақида ҳақиқий маълумотни олиш мумкин.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmudaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5002

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilibiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B. Rizayev Navbatchi: S. Abdurahmonov Musahhib: S. Shodiyeva. Boshisha topshirish vaqti: 20.30. Topshirildi: 22.30. E-mail: ishonch2012@gmail.com. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov. «Sharh» nashriyoti: matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.